

---

## Риштон туманида навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди

Бугун, 13 январь куни Риштон тумани Халқ қабулхонаси биносида навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда туман ҳокими ўринбосарлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, 20 нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Қабулга келган фуқаролар асосан моддий ёрдам, уй-жой, доимий иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун кредит ажратиш каби масалалар билан мурожаат қилишди. Фуқароларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этиш мақсадида тегишлилиги бўйича корхона, ташкилот раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилиб, назорат остига олинди.

2022-01-13 13:39:44